

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАРБИЯЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШИШ

**Жиззах давлат педагогика институти
Мактабгача таълим методикаси
кафедраси ўқитувчиси Раҳмонқулова Х.Б**

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотида тарбиячиларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширишга замонавий ёндашиши усуллари ва услублари ҳамда тарбиячилик фаолиятини олиб бориш ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар. Таълим тарбия қайта тайёрлаш малака ошириш мактабгача таълим замонавий ёндашув

Аннотация. В статье описаны методы и приемы современных подходов к переподготовке и повышению квалификации педагогов дошкольного образования, а также к ведению образовательной деятельности.

Ключевые слова. Образовательная, переподготовка, это современный подход , дошкольному образованию.

Annotation. This article describes the methods and techniques of modern approaches to the retraining and professional development of educators in preschool education, as well as the conduct of educational activities.

Keywords. Educational, retraining, is a modern, approach, to preschool , education.

Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини давлат томонидан бошқаришнинг самарали тизимини яратиш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида сўнгги йилда қабул қилинган қатъий чора-тадбирлар натижасида Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари ташкил қилинди.

2017 — 2021 йилларда Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича дастур тасдиқланди, унинг доирасида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тизимли ташкиллаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш борасидаги ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида ёш авлодни ҳар томонлама етук шахслар сифатида вояга етказиш асосий масалалардан ҳисобланади. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек: “Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим дарогоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши ёшларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир”¹ деб ўтган. Шу жумладан кенг кўламда амалга оширилган ижтимоий ислохотлар сирасида комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатлар ва жисмоний баркамолликнинг намоён бўлишига эришиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Муҳтарам юртбошимизни одилонга сиёсатлари туфайлик комил инсонни тарбиялашнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, “комил инсон” тушунчаси моҳиятига тўхталар экан, куйидагиларга алоҳида урғу беради: “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”² Узлуксиз таълим тизимининг асосий ва муҳим таркибий босқичларидан бири саналган мактабгача таълим муассаларда ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етишида ўзига хос ўрин тутади. Мустақиллик йилларида яратилган ва бошланғич таълим мазмуни ва устувор тамойилларини ёритувчи ҳужжатлар (жумладан, “Мактабгача таълим Концепцияси”) да

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 616

²РискиевТ, Курбонов Ш, СаидовХ, Аҳлиддинов Р, Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999. – 81 б

узлуксиз таълим тизимининг мазкур босқичини ташкил этишда қуйидаги мақсадларга эришиш зарур эканлиги кўрсатилган³

Ўзбек халқи тарихида ўзига хос ўрин тутганлигини, нафақат мардлиги, қаҳрамонлиги билан, балки мамлакат фуқароларига таъсир эта олиши, уларни ягона мақсад атрофига бирлаштириши, жамият тараққиётини таъминлашда миллий имкониятларни бирлаштириши билан ном қозонган. Ҳозирги кунда ҳам мактабгача таълим муассса ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда уларни малакасини ошириш таёрлов курслари фаолият олиб келиняпти. Шу билан бир қаторда мактабгача таълим тарбиячиларини амалиёт мобайнида ҳар бир бола билан педагогик психологик ёндашишларни ўрганиш ҳамда болаларга самийми мулоқат қилиш ширин сўз билан ёндашиш ҳамда момила маданиятини шакллантириш катта аҳамиятга эгадир. Шу қатори тарбиячилар болаларимизга ижодий топшириқларни бериш жараёнида қуйидаги шартларни иноватга олишлари мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Тарбиячилар болаларимизга беришган ҳар бир топшириқнинг аввалгиларидан фарқли бўлиши керак
2. Тарбиячилар ижодий топшириқларни беришда аниқ мақсадларни белгилаб олиш.
3. Болаларимиз томонидан топшириқларнинг бажариш жараёнида уларда ташаббускорлик, мустақиллик ва масъуллиқ каби сифатларни шакллантириш.
4. Тарбиячилар болаларимизга топшириқларнинг жамоа бўлиб бажарилишига шароит яратиш ва бу жараёнда ҳар бир талабанинг ижодий фикрлашини аниқлаш.

Болаларнинг нутқи ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, унинг нутқи нафақат ўзи учун, балки, мактабгача таълим муасссаларда болалар учун

³ Абдуллаева Қ.А., Сафарова Р.Ф., Очилов М.О., Назаров К.Н., Бикбаева, Зайнитдинова Н.У. М.А./Бошланғич таълим Концепцияси // Бошланғич таълим . – Т, 1998. -№ 6. – . 116

кенг қўламда бирдек тушунарли, етказиш лозим бўлади. Болаларимиз топшириқларни бажариш жараёнида ўрганилаётган материалларнинг муҳим жиҳатларини ифодали, аниқ ва равон сўзлаб бериш, ўзига хос муомала одобига эга бўлишлари керак бўлади.

Мактабгача таълим муассаларида тарбиячилик фаолиятини олиб бориш:

- шахсий ташаббус асосида ўйин, таълим ва меҳнат кўринишидаги фаолиятларни ташкил эта олиш;
- ўйин, таълим ва меҳнат каби фаолиятлар жараёнида юзага келган ижтимоий муносабатларни фаоллаштира олиш;
- болаларни жипслаштириш ва ягона мақсад атрофида бирлаштириш қобилиятини намоён этиш.

Хулоса сифатида шуни алоҳида такидлаш лозимки, мактабгача таълим муассаларида тарбиячилик фаолиятини шакллантириш жараёни узвийлик, тизимлилик асосида олиб борилиши ҳамда педагогик шарт-шароитлар тўлалигича ҳисобга олиниши лозим. Ижодий топшириқларни бажариш жараёнида инновацион ёндашувлар, ўқитишнинг фаол замонавий усулларида кенг фойдаланиш болаларимизнинг фаоллигини янада оширади.

Мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак тарбиячиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёнинини янада такомиллаштириш, курсларда олган билимларини амалда мустаҳкамлаш мақсадида турли тадбирлар, хусусан, эрталиклар, кечалар, беллашувлар ўтказиш кутилган яхши натижаларни беради.